Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 18 февраль, № 35 (5202) Жума

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳридаги “Ёшлар маркази”да молиявий хизматлар халқаро ярмаркаси ўтказилди.

Молиявий хизматлар ярмаркаси

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда “Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.Ж.” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Украина, Туркия, Россия, Хитой, Германия, Польша, Жанубий Корея каби ўнга яқин мамлакатларнинг фирма ва компаниялари ўзларида ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар билан иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

НАВОИЙ. Кармана туманида 5,5 километрлик масофага қувур тортилиб, “Ҳазора” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонларга тоза ичимлик суви келтирилди.

Эзгулик меваси

Ушбу хайрли ишни “Жаннат суви” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда бажардилар. Натижада бу ерда истиқомат қилаётган 7500 нафардан ортиқ аҳоли зилол сувдан баҳраманд бўлди.

Бу мақсадлар учун 352 миллион сўм сарфланди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД туманидаги “Гулобод мебель” корхонасининг замонавий ва илғор технологиялар билан жиҳозланиши ҳисобига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошиб, маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди.

Янгиланиш натижаси

Айни пайтда корхона жамоаси ўз мижозларига 60 хилдан зиёд импорт ўрнини босувчи сифатли мебель маҳсулотларини таклиф этмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозир 100 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган “Гулобод мебель”да ойига 150 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки жойларда семинар ва учрашувлар ташкил этмоқда.

Ишбилармонлар мададкори

Куни кеча шундай тадбирлар СИРДАРЁ вилоятининг Оқолтин ва Ховос туманларида ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, шунингдек, туманлардаги мавжуд коллежлар битирувчилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ШИЖОАТ

туфайли юртимизда янгидан-янги иқтидорлар кашф этилмоқда

Дунёнинг турли бурчакларида ўтадиган нуфузли халқаро турнирларда ғолиб спортчиларимиз шарафига мамлакатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда, қалбимиз беихтиёр ғурурга тўлади. Ана шундай иқтидорли спортчилар орасида андижонлик ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу бежиз эмас, албатта.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Чунки бошқа ҳудудларда бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Болалар спорти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борадаги ишларни ташкил этишда ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Эндиликда вилоятнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам бири-биридан чиройли, замон талаблари даражасида қурилган спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Уларнинг аксарияти аҳоли зич жойлашган ҳудудларда бунёд этилгани аҳамиятлидир.

— Умуман, 2003 — 2010 йиллар давомида вилоятимизда юздан ортиқ спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон филиали ижрочи директори Шавкатбек Омониллаев. — Айниқса, якунланган йил вилоят спортчи ёшлари ҳаётида муҳим из қолдирди. Андижон “Универсиада — 2010” спорт ўйинлари республика босқичига мезбонлик қилди. Ёшларнинг ана шу катта спорт байрами арафасида Юртбошимиз вилоятимизга ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар.

(Давоми 3-бетда).

ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Маълумки, жамоат бирлашмалари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Улар кўнгилли тузилма бўлиб, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини ифода этадиган, фуқароларнинг салоҳияти, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиб беради.

Муҳими, жамоат бирлашмалари бугун жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлаш ва демократик қадриятларни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Бунда, айниқса, соҳанинг қонунчилик асослари яратилгани ҳамда изчил такомиллаштирилаётгани катта аҳамият касб этмоқда. Чунончи, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг Бухоро вилоятида ўтказилган мажлисида айнан Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мажлисда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг вилоятдаги ижросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Концепция: устувор вазифалар

Қайд этиб ўтилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида “бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда”, деб таъкидлади.

Масалани ўрганиш шуни кўрсатдики, Бухоро вилоятида 291 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улардан 244 таси жамоат бирлашмаси, 40 таси жамоат фонди, 7 таси муассаса ҳисобланиб, улар, асосан, болалар, хотин-қизлар ва ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни спортга жалб этиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, иш ўринлари ташкил этиш, ёшларга касбий ва экологик таълим бериш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Зеро, бугунги кунда ушбу соҳани тараққий эттириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга эришиш, уларнинг тўкис ҳаёт кечиришларига муайян шарт-шароит яратиш мумкин. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани ва бу бўйича Давлат дастури қабул қилингани, ўз навбатида, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган анжуманда шу хусусда атрофлича сўз юритилди. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молиявий тизимининг тутган ўрни ҳамда бу борадаги муаммо ва ечимлар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш тармоғини молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролини кучайтириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини юксалтириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

— Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ортиб, 2 трлн. 690 млрд. сўмни, шундан микрокредитлар миқдори 1,5 баробарга ортиб, 485 млрд. сўмни ташкил этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров. — Ушбу кредитларни ажратишда асосий эътибор янги иш ўринлари яратиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини, айниқса, касаначиликни қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик билан боғлиқ лойиҳаларини маблағ билан таъминлашга қаратилди. Жорий йилда ҳам қарийб 3 трлн. 800 млрд. сўмлик маблағларни айнан кичик бизнес соҳасига йўналтиришни мақсад қилганмиз ва ҳозир бу борада муайян ишлар олиб борилаётир. Шунингдек, Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бўйича ҳам истиқболдаги режаларимизни белгилаб олдик. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва янада соддалаштириш, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, уларга бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли сармоялар йўналтириш тартибини қайта кўриб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этиш ҳам назарда тутилаётир.

(Давоми 2-бетда).

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ВА ОЛИБСОТАР НАЙРАНГИ

Сўнгги йилларда халқаро миқёсда “озиқ-овқат хавфсизлиги”, деган ибора бот-бот қўлланилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки баъзи мамлакатлар учун ҳали-ҳануз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий барқарорликка эришиш, хусусан, аҳолига етарли озиқ-овқат захирасини яратиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Шу билан бирга, чуқур илдиз отиб улгурган экологик муаммолар ҳам вазиятни янада кескинлаштирмоқда. Сайёрамизнинг қайсидир нуқтасида одамлар сув тошқинларидан азият чекаётган бўлса, бошқа жойида қурғоқчилик авж олмоқда. Бир минтақада тинимсиз ёққан ёмғир экин майдонларини пайҳон қилаётган бир пайтда бошқа бир ҳудудда сув танқислиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кескин камайиб бормоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин ошиб кетаяпти. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, ўтган йили дунё бўйича бу кўрсаткич 22 фоизни ташкил қилган. Масалан, Россияда буғдойнинг баҳоси сўнгги 30 йилликдаги энг юқори даражага кўтарилган. Оқибатда ушбу мамлакат ғалла экспортига чек қўйишга мажбур бўлди. Шунингдек, Австралия, АҚШ, Бразилия, Хитой, Покистон каби давлатларда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш миқдори кутилганидек бўлмади.

Табиийки, бундай хабарлар ҳар қандай кишини хавотирга солади. Беихтиёр, бизда-чи, бизнинг мамлакатимизда вазият қандай, деган савол туғилади. Бу саволга жавобни Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан топиш мумкин. Унда таъкидланишича, ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошган. Хусусан, сабзавот етиштириш 11,2 фоиз ёки 6,346 миллион тоннага, картошка етиштириш 11 фоиз (қарийб 1,693 миллион тонна)га, полиз экинлари етиштириш 10,4 фоиз, мева-чева 10,8 фоиз, узум етиштириш 9,7 фоизга кўпайди. Шунингдек, 1,461 миллион тонна гўшт, 6,169 миллион тонна сут ишлаб чиқарилган бўлса, тухум етиштириш 12,6 фоизга ошди.

Халқ ризқига хиёнат

Бу рақамларнинг ҳаётдаги ифодаси бозорларимиздаги мўл-кўлчиликда ўз аксини топган. Бозорлар юрт ободлиги, эл маъмурчилигининг кўзгусидир. Шу жиҳатдан айтганда, бозорларимиз пештахталарининг йил — ўн икки ой сархил меваю сабзавотлар, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан доимо тўлиб туриши иқтисодий қудратимизнинг, салоҳиятимизнинг амалдаги бир намойиши ҳамдир. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар ҳам биздаги маҳсулотларнинг таъмига, сифатига ҳамиша ҳавас билан қарайди ва биз бундан чексиз фахрланамиз.

Юртимизда бозорлар фаолиятини тартибга солиш, уларда савдо-сотиқ учун қулай шарт-шароитлар яратиш, энг муҳими, маҳсулотларнинг аҳоли учун мақбул бўлган нархларда сотилишини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу тизим самарадорлигини ошириш мақсадида зарур ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги “Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, шунингдек, ўтган йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа ҳужжатлар бунда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қисқаси, барча саъй-ҳаракат ва имкониятлар халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

Албатта, далада меҳнат қилиш, маҳсулот етиштириш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Эрта баҳордан то кеч кузгача амалга ошириладиган агротехника тадбирларининг ўзи катта эътиборни талаб қилади. Салгина бепарволик ҳам ҳосил чўғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Табиат инжиқликларига, сув тақчилликларига қарамай, мўл ҳосил етиштираётган тажрибали деҳқонларимизга ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Аҳолини иш билан таъминлашда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришнинг аҳамияти катта, — дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимуҳамедов. — Шу боис вазирлик томонидан иш ўринларини яратишга жиддий эътибор қаратилаётир. Очиғини айтиш керак, ҳозир иш билан банд бўлганларнинг 80 фоизга яқини иқтисодиётнинг нодавлат, 20 фоиздан зиёди эса давлат секторига тўғри келади.

Дарҳақиқат, айнан бандлик замирида инсоннинг ҳаёти, фаровон турмуш кечириши, эртанги кунга ишончи, ўз салоҳияти ва қобилиятини намоён этиши, хуллас, жамиятга бирон бир фойда келтира олиши мужассам. Қолаверса, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бевосита қабул қилинган қонунларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишига ҳам боғлиқ. Шу маънода, анжуманда "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси бўйича жойларда ўтказилган назорат-таҳлил натижалари ҳамда 2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилишини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳолида ўрин эгаллаётганлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатланиб, ҳар бир кишининг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши ва у дахлсиз ҳамда давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Зуҳра Ботирова. — Шу нуқтаи назардан айтганда, ижтимоий адолатни қарор топтириш, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун, биринчи навбатда, оиланинг муқим даромад манбаи бўлиши керак. Ва бу партиямиз дастурида қайд этилган бўлиб, фаолиятимиз давомида касаначилик ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамлар учун янги иш ўринлари очиш, уларнинг барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланиб бормоқда. Ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида, эътироф этиш керак, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2010 йил якуни бўйича 52,5 фоизни ташкил этди. Шунинг билан бирга, юртимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани унинг мамлакат тараққиётида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

— Юртбошимиз шу йил 21 январдаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш зарурлигини қайд этди, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Қаҳрамон Эргашев. — Зеро, ушбу соҳа иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис уларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари сайловолди дастуримизда аниқ баён қилинган. Айни пайтда тадбиркорлар партиямизнинг асосий электорати эканлигини назарда тутган ҳолда айтиш жоизки,

Парламент ҳаёти

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, истиқболдаги режаларини тузиб олдилар. Ўз навбатида, улар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратадилар.

Анжуманда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан қилинадиган ишлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида қизғин муҳокама этилмоқда.

Яқинда парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида ана шу масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамда тижорат банкларининг мутасаддилари иштирок этди.

Давра суҳбатида эътироф этилганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида бир қатор таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиётимизда барқарорлик таъминланиб, ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсиш суръатлари сақлаб қолинди. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган "ўзбек модели" ривожланиш стратегиямизнинг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини кўрсатади. Айни пайтда ушбу моделнинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастурлари изчил амалга оширилганлиги инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ҳамда банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли сезиларли даражада ошганлиги диққатга сазовор. Айни чоғда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида, эътироф этиш керакки, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2010 йил якуни бўйича 52,5 фоизни ташкил этди.

Айни пайтда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва унинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадбирда жорий йилда ушбу соҳани жадал ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги айтиб ўтилди. Шу билан бирга, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда бу борада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Тадбир давомида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари истиқболдаги режаларида Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишларнинг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилган вазифалардан келиб чиқиб, соҳага оид қонунчиликни яна бир бор жиддий таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш кераклигини қайд этдилар.

Шунингдек, давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари каби жамоат ташкилотлари билан биргаликда 2010 йил давомида хотин-қизлар, ёлғиз пенсионерлар, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш сингари масалалар бўйича 1102 та турли акция ва тадбир ўтказди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгаши томонидан вилоят адлия, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан биргаликда мунтазам равишда кўрик-танловлар, акциялар, лойиҳалар ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир. Вилоят миллий маданий марказлари томонидан воҳада яшаётган турли миллат вакилларининг тилини, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир.

2009 — 2010 йилларда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ҳамда уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида 40 мартадан ортиқ жамоат бирлашмаларини ривожлантириш, улар билан биргаликдаги ишларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисда сенаторлар томонидан Қонуннинг Бухоро

ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

вилоятида ижро этилишини таъминлаш масалаларида мавжуд айрим камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари ҳам таҳлил қилинди. Чунончи, вилоят адлия ва молия органлари мазкур Қонун 20-моддасининг жамоат бирлашмалари ўз уставларига риоя этишлари устидан, шунингдек, уларни молиялаштириш ва даромад манбалари устидан назоратни амалга оширишга доир талаблари ижро этилишини етарли даражада таъминламаётирлар. Баъзи жамоат бирлашмалари раҳбарларининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги оқибатида бир қанча ҳолларда меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйилмоқда.

Муҳокама давомида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун талаблари ижро этилишини таъминлаш, жамоат бирлашмаларининг самарали фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда сенаторлар, Бухоро вилояти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва молия органлари бошқармалари, жамоат бирлашмалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

МАДАНИЙ ВА ТАБИИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялаш, жамиятда маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда маданий ва табиий меросни асраш, ўрганиш ҳамда келажак авлодларга бекаму кўст етказишнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, маънавий мерос, маданий қадриятлар, қадимий тарихий ёдгорликлар маънавиятни шакллантиришнинг энг муҳим пойдеворларидан биридир.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон давлат тарих музейида ўтказилган "Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 1972 йил 23 ноябрь) ва ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлаш масалалари" мавзуидаги илмий-амалий конференция мана шу масалалар муҳокамасига бағишланди.

Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ маданий ва табиий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни ўрганиш ва оммалаштириш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун юртимизда маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг яхлит ҳуқуқий ва ташкилий тизими яратилган. Бу халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари билан уйғундир. Хусусан, ЮНЕСКО Конвенцияси қоидаларини ижро этиш доирасида Ўзбекистонда маданий ва табиий мерос объектларининг бирламчи рўйхатини тузиш ва такомиллаштириш мақсадида еттита йўналишда иш олиб борилаётганлиги бунинг яққол тасдиғидир. Мазкур рўйхатга Хива шаҳридаги "Ичанқалъа" ёдгорликлар мажмуи, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари, маданиятлар чорраҳаси бўлмиш Самарқанд шаҳри сингари мажмуалар киритилган.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бери Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро фестивали, Марғилон шаҳрининг 2000, Самарқанд шаҳрининг 2750, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейлари кенг байрам қилинганлиги, бошқа бир қатор тадбирлар нишонлангани эътиборга лойиқдир. Негаки, бу тадбирлар мамлакатимизда маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва консервациялашга, шунингдек, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий ва маданий савиясини оширишга хизмат қилмоқда.

Анжуманда қайд этилганидек, маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, уларни келажак авлодларга асл ҳолида топшириш, энг аввало, малакали кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. Юртимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётир. Чунончи, ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларини битирган кадрларга реставрация ишлари махсус илмий-реставрация ва ишлаб чиқариш ташкилотларида "Уста — шогирд" усулида ўргатилаётгани эътиборлидир.

Маълумки, соҳа учун олий маълумотли кадрлар бугунги кунда Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш, шунингдек, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтларида изчил тайёрланмоқда. Шу билан бир қаторда, бошқа олий ўқув юртлари ва 35 та касб-ҳунар коллежида эколог ва биолог мутахассислар етиштириб берилмоқда. Умуман айтганда, маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш, консервациялаш ва илмий ўрганиш учун мутахассислар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, конференцияда маданий ва табиий меросни муҳофаза қилишда тўпланган тажрибалар ўртоқлашилди, соҳалардаги талаб мавжуд бўлган айрим ихтисосликлар бўйича мутахассислар ва юқори малакали илмий ходимлар ҳамда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама якунлари бўйича соҳанинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий асосини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунларни рўёбга чиқариш механизмини яхшилаш, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органларининг маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, шунингдек, соҳа учун зарур бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилган тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Конференцияда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар-нинг вакиллари, маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш соҳасидаги олимлар, мутахассислар ҳамда экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ, шу билан бир қаторда, бозорларимиздаги мўл-кўлчиликка, маъмурчиликка соя солишга ҳаракат қиладиган айрим нопок кимсалар ҳам борки, уларнинг найранглари туфайли деҳқон меҳнати эвазига етиштирилган маҳсулотлар нархлари сунъий равишда ошириб юборилмоқда. Гап бозорларни ўзига макон қилиб олган олибсотарлар ҳақида кетмоқда. Хўш, деҳқонни алдаб-сулдаб, маҳсулотни арзон баҳода сотиб олиб, шу жойнинг ўзида икки-уч баравар нархда пуллаш билан шуғулланаётганлар қилмишини қандай аташ мумкин? Бу халқ ризқига хиёнат эмасми? "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр" деган ибора ҳам айнан ана шундай ноинсоф одамларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, халқимизда "Инсоф сари барака" деган ибратомуз гап ҳам юради. Унинг замирида қаерда, қай ҳолатда бўлмасин, меъёрни унутмасликка ишора бор. Минг афсуски, чайқовчиликни ўзига касб қилиб олганлар буни аллақачон эсдан чиқарган кўринади. "Оламни сув босса, ўрдакка не ғам" деганларидек, бозордаги нархнавонинг ошиб кетишини заррача ҳам ўйламайдиган, фақат ўз манфаатини кўзлаб, қандай қилиб бўлмасин, чўнтакни қаппайтириш пайидан бўладиганларнинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Улар бу йўл билан жамиятимизга катта зарар етказмоқда.

Бозорга тушишингиз билан турнақатор бўлиб тизилиб олган уддабуронларга йўлиқасиз. Нарх-навони уларнинг қай биридан сўраманг, бир хил жавоб оласиз. Янаям ачинарлиси, маҳсулотни айтганига харид қилишга мажбур бўласиз. "Тадбиркорлар" орасидан бирортасини сал арзонроққа кўндиролсангиз борми, бирдан бақир-чақир бошланиб кетади. Эмишки, у бу иши билан нархни тушириб, қолганларнинг бозорини "ўлдирармиш". Ана, холос! Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, деб шунга айтишса керак-да!

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ВА ОЛИБСОТАР НАЙРАНГИ

Ахир, бозорнинг ҳам ўзига яраша талаби бор. Азал-азалдан харидорлар бирор бир маҳсулотни олишда сотувчи билан савдолашишган. Маълум бир баҳо икки томон учун ҳам маъқул келса, қўл берилиб, рози-ризолик сўралган. Савдодаги мана шундай ҳалол йўл рўзғорга барака киритган. Наҳотки, бугун бозорларимиздаги айрим сотувчилар мана шу олижаноб қадриятларимиздан юз ўгирган бўлса, кимнидир оғринтириб, алдаб пулини олиб, шу даромаддан бола-чақа боқишдан қўрқмаса?

Албатта, бундай ҳолатлар билан муроса қилиб бўлмайди. Масалан, жорий йил 10 февраль куни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон баҳода сотиб олиб, ноқонуний равишда қиммат нархда сотиш билан шуғулланиб юрган ва "Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори"да "обрўдор" ва "етакчи" деб ҳисобланган шахсларни аниқлашди. Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Сайдулла Иногомов, Бектемир туманидан Абдуманнон Аҳмедов ва Малоҳат Аҳророва шундай ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келганликлари маълум бўлди ва улар тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Фуқаро Равшан Турсунов ҳам худди шундай ишлар билан қўлга олиниб, маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Акмал Аҳмедов эса янада осонроқ "бизнес" билан шуғулланишнинг ҳадисини олганлардан экан. У "Миробод деҳқон бозори"даги аравакашлар ҳамда шу ерда савдо қилувчиларга нисбатан товламачилик қилиб юрганлиги ҳақидаги хабарни аниқлаштириш мақсадида ўтказилган тадбир чоғида Акмал Аҳмедов фуқаро А. Назаровдан 400 минг сўм пулни товламачилик йўли билан олаётган вақтда ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Яна бир мисол. "Юнусобод деҳқон бозори"да сурхондарёлик Собир Холмуродов ҳеч қандай ҳужжатларсиз "Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори"дан 1671 килограмм пиёзни олиб келиб, 200 сўмдан устама нарх қўйиб сотаётгани аниқланди ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тегишли моддаси билан жазога тортилди.

Бундай ҳолатларнинг юзага келишига бозорларда тартиб ўрнатишга масъул бўлган айрим ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратура органлари томонидан олиб борилган текширишлар натижасига кўра, Сергели ва Юнусобод деҳқон бозорларида фаолият юритаётган 8 нафар бозор назоратчисига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Тасаввур қилинг. Пойтахтимиздаги "Қўйлиқ деҳқон бозори" билан "Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори"нинг ораси 100 метр ҳам чиқмайди. Ана шу икки бозор ўртасида "тирикчилик" қилишни одатга айлантирган айрим кимсаларнинг қилмиши туфайли маҳсулотлар нархи ўз-ўзидан ошиб кетмоқда. Ўрганишлар натижасида, масалан, бир дона тухумни улгуржи бозордан ўртача 150-160 сўмдан сотиб олиб, "Қўйлиқ деҳқон бозори"да қарийб икки баробар нархда пуллаётган кимсалар ҳам аниқланди. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Киши дилини оғринтирадиган жиҳати, олибсотарлар харидорни авраб, маҳсулотни уч-тўрт чандон қимматга пуллаганлари камдек, тарозидан ҳам уриб қолиб, бировнинг ҳақига хиёнат қиладилар. Халқимизда азалдан бозорларда тош-тарозини тўғри қўйишга, бировнинг ҳақига кўз олайтирмасликка ундаб келинади. Сабаби, унинг гуноҳи жуда оғир саналади. Кейинги пайтларда деҳқон бозорларида аҳолини чув тушираётган қаллоблар ўзгалар ҳақига қўшиб, ўз виждони ва диёнатини ҳам ҳазм қилиб юборганга ўхшайди. Ахир мўмай даромад орқасидан чопиш, ҳам бўйидан, ҳам энидан уриш орқали бойлик орттириш ўта даражада худбинлик, яна такрор бўлса ҳам айтиш керак, халқ ризқига хиёнат эмасми?

Ҳақиқий деҳқон шундоққина лафзидан, муомаласидан билинади. Кўп кузатгансиз, маҳсулотни харид қилаётганингизда "ўзимизнинг деҳқончилик, сўрайверинг, ками бор" дея лутф қилади, ҳатто, айтганингиздан бир оз оғирроқ қилиб тортиб ҳам беради. Ана шундай муносабатга яраша харидорлар "Сизга ҳам баракасини берсин", дея миннатдорлик билдиришади.

Бугун давлатимиз томонидан бозорларимизда мана шундай соғлом муҳитнинг ҳукм суриши учун ҳаракат қилинмоқда. Лекин сира меҳнат қилмасдан осон пул топишга ўрганган, ўнидан тўққизини уриб қолишга уринаётган, иймонини, виждонини сотиб халқнинг нонини туя қилаётган одамлар туфайли бозорларимиздаги маъмурчиликка, арзончиликка путур етмоқда. Бундай кимсалар элнинг нафратига дучор бўлиши аниқ. Мазкур ҳолатларга қарши курашишга бозор мутасаддилари, қолаверса, ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Ана шундагина нопок ишга қўл ураётган олибсотарларнинг найранги касод бўлади, заҳматкаш деҳқон меҳнати ўз қадрини топади, бозорларимиз янада мўл-кўл, юртимиз фаровон бўлади.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ЯРМАРКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ярмаркага ташриф буюрган 400 дан ортиқ тадбиркорлар бу ерда кўргазмага қўйилган ускуна ва жиҳозлар билан яқиндан танишиш баробарида, мамлакатимизда фаолият юритаётган лизинг компаниялари ва фирмалари томонидан таклиф этилаётган хизматлар ҳамда лизинг шартлари ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Шунингдек, тадбир доирасида Марказий банкининг вилоят бош бошқармаси, адлия ва божхона бошқармалари мутахассислари томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳамда уларга миллий қонунчилигимизда белгилаб қўйилган имтиёз ва ҳуқуқлар ҳақида ҳам атрофлича ахборотлар берилди.

Кўргазма якунида қашқадарёлик тадбиркорлар ва хорижий корхоналар ўртасида шартномалар имзоланди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР МАДАДКОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган, мамлакатимиздаги энг йирик микромолиявий ташкилот — "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш, айниқса, олис туман ва қишлоқларда хотин-қизларни, ёшларни соҳага кенг жалб қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан Сирдарё вилоятида ўтган йилда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 1,5 миллиард сўмга яқин, 228 нафар ёш тадбиркорга 231,3 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилгани шундан далолат беради.

Тадбирларда банк мутахассислари томонидан мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган молиявий имконият ва қулайликлар, имтиёзлар, сармоялардан фойдаланиш қоидалари хусусида маълумот берилиши баробарида, 50 нафар коллеж битирувчисига бошланғич сармоя олиш ҳуқуқи қайд этилган сертификатлар топширилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ.

Мамлакатимиз молия-банк тизимини ислоҳ қилиш, улар томонидан тақдим қилинаётган хизматларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга, депозитлари ҳажми эса 1,5 баробарга кўпайгани шундан далолат беради. Албатта, шунга мос равишда уларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларига ажратаётган маблағлари ҳажми ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда. Мисол учун, "Савдогарбанк" Ўзбекистон — Германия акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилоятидаги Келес, Зангиота, Ғазалкент, Қибрай, Бўка филиаллари томонидан мижозларга 17,7 миллиард сўм миқдорида кредит берилди.

Молия муассасаларида

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Таъкидлаш керакки, "Савдогарбанк" мижозлари орасида тадбиркорлик субъектлари кўп. Ўтган йил давомида мазкур соҳа вакилларига 12,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, бунинг эвазига 306 та иш ўрни яратилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Зангиота туманидаги "Абдураҳмон" хусусий фирмаси — шулардан бири. Иссиқхона фаолияти билан шуғулланаётган мазкур корхона раҳбари Абдуғофур Нурматов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида банкдан бир йил муддатга 30 миллион сўм миқдорида кредит олган эди. Ушбу маблағ ҳисобига бу ерда жорий йилда эл дастурхонига 10 тонна помидор ва 7 тонна бодринг етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик субъектининг муваффақияти унинг бизнес-режаси қанчалик пишиқ-пухта ишлаб чиқилганига боғлиқ. Шу маънода, "Абдураҳмон" хусусий фирмасининг бизнес-режасини таҳлил қилиб кўриш фойдадан холи бўлмайди. Хусусан, Абдуғофур Нурматовнинг банкка тақдим этган лойиҳасига биноан, келгусида сотилиши мўлжалланаётган маҳсулотлар ҳисобига 42 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилган. Банк томонидан ажратилган кредит эса корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини 12,7 фоизга оширишга хизмат қилади. Бу — ҳар йили ўртача 8 миллион сўм қўшимча даромад кўрилади, дегани. Қолаверса, банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик миқдорида тўғри келади. Пировардида вилоят бўйича 70 та қўшимча иш ўрни ташкил этилдики, бу шунча кишининг даромад манбаини кўпайтириш имконини берди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ажратилган кредитлар миқдори 815,5 миллион сўмга етди. Тадбиркор аёллар фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми эса бир миллиард 369,9 миллион сўмдан ортди. Шунинг ҳисобига келеслик хусусий тадбиркор Зулфия Умарова ўз фаолиятини тобора ривожлантираётган бўлса, Зангиота туманидаги "Электро файз барака" масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича ҳам филиал жамоаси томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларга мутаносиб равишда 997,8 миллион ҳамда 5 миллиард 854,5 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 100 дан зиёд иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорлар туфайли 4 киши иш билан таъминланди.

Банкнинг Тошкент вилояти филиали томонидан Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, ўтган даврда 70 та кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиш учун 198,8 миллион сўм кредит берилган эди. Ушбу маблағ туманлар бўйича таҳлил қилинганда, Қибрай филиалига 10 миллион сўм, Келес филиалига 17,9 миллион сўм, Зангиота филиалига 69,4 миллион сўм, Ғазалкент филиалига 45,1 миллион сўм, Бўка филиалига 56,4 миллион сўм фаолиятини ривожлантириш учун 809,9 миллион сўм, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини кенгайтиришга 392 миллион сўм маблағ ажратилгани, ёш оилаларнинг уй-жой қуриш, таъмирлаш ёки сотиб олишлари учун 577 миллион сўмлик имтиёзли ипотека кредитлардан фойдаланганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Шу билан бирга, "Савдогарбанк" Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2010 — 2012 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастур ижроси бўйича ҳам ўз маблағ ва хизматларини тақдим этиб келмоқда. Натижада Зангиота туманилик хусусий тадбиркор Асилхон Жалолов 100 миллион сўм маблағ эвазига йилига 110 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга янги технологияни харид қилиб, аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаётган бўлса, Қибрай туманидаги "Қибрай Коопсавдо" масъулияти чекланган жамиятида эса 20 миллион сўмлик кредит эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайтирилиб, қўшимча иш ўрни яратилди.

Барчага аёнки, ҳозир фермерлик ҳаракати республикамиз аграр секторида етакчи кучга айланмоқда. Эндиликда уларнинг ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштираётгани, айниқса, қувонарлидир. Фермер хўжаликларига ўтган йили "Савдогарбанк"нинг Тошкент вилояти филиали томонидан 64 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилгани эса бу борада ниҳоятда қўл келмоқда.

Филиал жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига асосан, аҳолига қулай шартларда бир қатор замонавий хизматларини тақдим этаётгани ҳам барчага манзур бўлаётир. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш ва уларнинг даромадларини кўпайтириш мақсадида жорий қилинган "Бахтли болалик", "Олтин куз", "Оқ олтин", "Барака", "Фаровон ҳаёт" каби юқори фоизли омонат турлари шулар жумласидандир. Натижада жорий йил бошига келиб, филиалдаги омонатлар қолдиғи 6 миллиард 295 миллион 124 минг сўмга етди. Унинг 4 миллиард 355 миллион 16 минг сўми талаб қилиб олингунча шартларда қўйилган бўлса, бир миллиард 181 миллион 438 минг сўми муддатли, 758 миллион 670 минг сўми жамғарма омонатларидир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш хизматини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида эса 43 291 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, 347 та савдо терминали ўрнатилди. Терминаллар орқали эса 39 миллиард 586 миллион 265 минг сўм миқдорида тушумга эришилди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида молия-банк тизимида эришилган муваффақиятларни қайд этиш билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни ҳам белгилаб берди. "Савдогарбанк" Ўзбекистон — Германия акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилояти филиали жамоаси ҳам ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга сифатли банк хизматларини кўрсатмоқда.

Банк матбуот хизмати. t

24 соат ичида

ЖАҲОН

Аргентинада йўловчи ва юк поездлари тўқнашиб кетди, дея хабар тарқатди "El Mundo" нашри.

Темир йўлдаги фалокат

Мамлакатнинг Сан-Мигель шаҳарчасида юз берган кўнгилсизлик оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган, қирқ нафардан ортиқ одам тан жароҳати олган. Фожиа темир йўл излари кесишадиган жойда содир бўлган. Чунки ўша пайт юк поезди келаётган йўлда светофор ишламай қолган. Натижада у йўловчи поезди йўлига чиқиб кетган.

Ишсизлик муаммоси

Буюк Британияда ёшлар орасида ишсизлар сони кескин кўпайиб бормоқда.

Бу ҳақда "Sky News" телеканали хабар тарқатди. Хусусан, ҳозир мамлакатнинг 16 ёшдан 24 ёшгача бўлган фуқароларидан 965 минг нафари ишсиз ҳисобланади. Бу мазкур қатламнинг 20,5 фоизини ташкил этади.

Умумий ҳисобда эса Буюк Британияда ишсиз одамлар сони 2,49 миллион нафарга етган. Экспертларнинг таъкидлашича, мамлакатда аҳволнинг бу даражага келиб қолиши иқтисодиётда ўсиш суръатлари кузатилмаётгани билан боғлиқ экан.

Талаб ортиб бормоқда

"J.D. Power Associates" ахборот марказининг тахминига кўра, жорий йилда жаҳон бўйича 76 миллион 500 минг дона автомобиль сотилади.

Чунки айни пайтга келиб ривожланаётган мамлакатларда янги машиналарга бўлган талаб ортиб бормоқда. Ўтган йили дунё бўйича ишлаб чиқарилган автомобилларнинг аксарият қисми ана шу давлатларга экспорт қилингани бунинг тасдиғидир.

Маълумот тарзида айтиб ўтиш керак, 2010 йилда жаҳон бўйича 72 миллион дона автоулов сотилган эди.

Зайтун ёғи қанча туради?

Испанияда зайтун ёғига белгиланган нарх норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Гап шундаки, ҳозир мамлакатдаги савдо мажмуаларида бир килограмм зайтун ёғи 1 евро 85 центдан сотилмоқда. Фермерлар эса бундан норози. Сабаби, охирги уч мавсумда мамлакат қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоғи 2 миллиард евро миқдорида зарар кўрган. Нархнинг бу даражада пастлиги эса мазкур талафотларни бартараф этиш имконини бермайди.

Ҳукумат зайтун ёғи миллий бойлик эканлигини билдириб, эътирозлар ўринсиз, деб ҳисобламоқда.

Акциялари арзонлашди

Париж биржасида парфюмерия ва пардозандоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "L`Oreal" (Франция) компанияси акциялари баҳоси сезиларли даражада арзонлашди.

Яъни корхонага тегишли қимматли қоғозлар қиймати 4,7 фоизга пасайган.

Қизиқ жиҳати, компания мутасаддилари бу ҳолатга эътибор қаратишмаяпти ва жорий йилда "L`Oreal" маҳсулотлари савдоси жаҳон бўйича 3-4 фоизга ошиши кутилаётганини билдиришган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ «МЕНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНИМ» МАВЗУИДА КЎРГАЗМА ЎТКАЗДИ

Москва шаҳридаги Санъат ходимлари марказий уйида истеъдодли рассом Николай Корниловнинг Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Менинг Қорақалпоғистоним" мавзуидаги кўргазмаси очилди.

Николай Корнилов "Дунё халқлари санъати" халқаро уюшмасининг президенти, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом, ёзувчи, журналист, коллекционер, шунингдек, "Никор" галереяси асосчисидир.

Кўргазманинг очилишига бағишланган маросимда Россия Федерацияси маданият вазирлиги, Москва шаҳри жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, олимлар ҳамда журналистлар қатнашди.

Санъатшунослик фанлари номзоди, Россия Федерацияси маданият вазирлиги Маданият ва табиий меросни муҳофаза қилиш институти катта илмий ходими Елена Содиқова кўргазмани очар экан, Қорақалпоғистон Республикаси Орол денгизи ва Амударё соҳилларида, Қизилқум, Қорақум ҳамда Устюрт саҳролари орасида жойлашганини қайд этди. Бироқ, унинг айтишича, Россия пойтахти аҳолиси ва меҳмонлари Санъат ходимлари марказий уйида намойиш этилаётган "Менинг Қорақалпоғистоним" кўргазмасига ташриф буюриб, ушбу олис ва гўзал ўлка ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконига эгадирлар.

Тақдимотда сўз олган Н. Корнилов айнан Ўзбекистонда мўйқалам соҳиби бўлиб етишганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, у 1964 йилдан эътиборан Нукусда иш бошлагани ҳамда у ерда таниқли рассом ва санъатшунос И. В. Савицкий билан яқиндан танишиш шарафига муяссар бўлганини қайд этди. Айнан ўша пайтларда унда коллекционерликка ҳам қизиқиш уйғонади.

Биз ва жаҳон

Рассом ўз асарларида ўлка табиати ва ўзбек халқининг самимийлигини нафис бўёқлар уйғунлигида, ёрқин ранглар билан ифодалайди. Турли миллат вакиллари тинч-осойишта яшаётган мафтункор диёрни ниҳоятда нозик дид билан тасвирлайди. Унинг мўйқаламига тегишли ижодий асарлар Болгария, Чехия, Словакия, Польша ва Куба каби қатор хорижий мамлакатларнинг босма нашрлари саҳифаларини ҳам безаган.

"Жазирама қуёш ва иссиқ чўл шамоли ҳукм сурган, яшнаган воҳалару сарҳадсиз чўллар, адоқсиз қумликлару бир пайтлар шиддат ила мавжланган бетакрор мовий Орол денгизи жойлашган ушбу бепоён ва жаннатмонанд диёр мен учун жуда азиз ва қадрдон бўлиб қолган", дейди Н. Корнилов.

Кўргазма иштирокчилари мазкур асарларнинг самимийлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, рассом ўз кўрган-кечирганларини юксак бадиий маҳорат билан абадиятга муҳрлаганини қайд этишди. Мусаввирнинг иш услуби инсон феъл-атвори, унинг кайфияти, Қорақалпоғистон аҳолисининг миллий ва бетакрор хусусиятларини томошабинга етказиб бера олиши билан аҳамиятлидир.

Таниқли рус рассоми Юрий Екименконинг айтишича, у Н. Корниловнинг кўргазмаларини доимо мароқ билан кўздан кечириб боради. Лекин мазкур кўргазма аввалгиларидан бирмунча ранг-баранг бўлиб, бунда асосий урғу муаллифнинг кичик ватанига қаратилган. Яъни Қорақалпоғистондан олиб келинган асарларда муаллифнинг ўз она-замини билан чамбарчас боғлиқлиги сезилиб туради. "Николай Корниловнинг ёрқин бўёқларда ишланган ўзига хос асарлари Москва аҳлини, хусусан, рассомларни ҳайратга солди. Табиийки, ўз касбининг устасигина ана шундай юксак бадиийлик хос асарларни ярата олади", деди Ю. Екименко.

«Жаҳон» АА.
Москва

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ШИЖОАТ

туфайли юртимизда янгидан-янги иқтидорлар кашф этилмоқда

Хусусан, Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуасида бўлганларида, футбол бўйича ёш иқтидор эгаларига таълим-тарбия беришда нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида ўзларининг қимматли таклиф ва маслаҳатларини бердилар. Ана шу эътибор бугун ўз ижобатини топмоқда.

Футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги назарий ва амалий машғулотлар ўтказиладиган кенг ҳамда ёруғ заллар, учта замонавий футбол майдони ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Бундан ташқари, 700 ўриндиқли трибуна, 100 ўринли ётоқхона, замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи жиҳозлар футболимизнинг эртанги эгаларини ихтиёрида. Насиб этса, яқин келажакда бу ердан жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли футболчилар етишиб чиқади.

2010 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан Андижон шаҳрида "Ёшлар спорт саройи", бадиий гимнастика зали, Андижон туманида 16-мусиқа мактабининг янги биноси бунёд этилди. Шунингдек, тўртта сузиш ҳавзаси, учта мактабда спорт зали қурилди, учта мусиқа ва санъат мактабининг биноси реконструкция қилинди. Бунёдкорлик ишларига 6 миллиард 750 миллион сўм маблағ сарфланди.

Асосийси, бугунги кунда ушбу мажмуаларда ташкил этилган машғулотларда минглаб ёшлар ўз маҳоратини оширмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб, вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшлар сони 207 минг нафардан ошиб кетди. Уларнинг 80 минг 979 нафарини қизлар ташкил этади. Масалан, вилоятнинг чекка Улуғнор туманидаги V ТИП Болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилганига етти йил бўлди. Бу ерда, спортнинг кўплаб турлари қатори, бадиий гимнастика ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Баъзилар спортнинг ушбу нафис тури қишлоқда оммавийлашармикан, ота-оналар рози бўлармикан, деб бир оз хавотирга тушишганди. Лекин бундай бўлмади. Мажмуада яратилган шароитлар, устозлар меҳри қишлоқ қизларини оҳанрабодай ўзига тортди. Натижада Улуғнорда бадиий гимнастика қисқа муддатда оммалашибгина қолмай, бир неча чемпионлар ҳам етишиб чиқди. Яқинда Тошкентда ўтказилган очиқ чемпионатда Зарнигор Сирожиддинова, Марина Аббосхонова ва Диёра Эрматова совриндорлар сафидан жой олди.

Мухтасар айтганда, ёшларга яратилаётган бу каби имкониятлар келажакда Андижондан яна кўплаб иқтидор эгаларининг кашф этилишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси жамоаси Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Муҳаббат Шербўтаевага укаси

Абдусаттор ШЕРБЎТАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Табиатда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Шу жумладан, сув ҳавзаларининг ҳам. Кўҳна Бухоронинг миноралари ва нилий гумбазларида ин қурган лайлаклар шаҳар атрофидаги кичик-кичик кўллардан озиқланади. Мутахассисларнинг фикрича, сув-ботқоқликларнинг нафақат ҳайвонот дунёси, балки сайёрамизнинг барқарор ривожланишидаги ўрни катта. Чунки уларда фақат сувли ва ботқоқ шароитига мослашган ўсимликлар ўсади.

БУХОРО КЎЛЛАРИ

— Бухоро ҳудудида шундай кўллардан саккизта бўлиб, улар ўзининг кенглиги, чуқурлиги, табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан ажралиб туради, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Анвар Ниёзов. — У кўлларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Масалан, Қорақир кўли ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Шимолий Марказий зовур сувларининг тўпланиши натижасида ҳосил бўлган. Мазкур кўлда лаққа, зоғора, судак, оқ амур, нобла балиқлари бор. Ҳайвонларнинг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит мавжуд. Кўл атрофида тўнғиз, жайрон, тўқай ҳамда чўл мушуги, бўрсиқ, тулки, шоқол, қуёнларни учратиш мумкин.

Бундан ташқари, мазкур кўл ўрдак, ғоз, қашқалдоқ, қоравой қуши, оқ қуш, сақоқуш каби кўчиб юрувчи қушлар учун ишончли манзил вазифасини ўтайди. Улар Қорақирда қишлаб, баҳор мавсумида тухум қўйиб, полапон очади. Кўл атрофида Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган йўрға тувалоқ, қора боғир, саджа, оқ боғир қушлари ҳам яшаб кўпаяётгани эътиборлидир. Ана шу жиҳатлар инобатга олиниб, 1992 йилда ҳукуматимиз томонидан бу ерда ўттиз минг гектар майдонни эгаллаган давлат буюртмахонаси ташкил этилган.

Вилоятдаги энг чуқур кўл Девхона кўли саналади. Чуқурлиги 80 — 100 метрни ташкил қиладиган ушбу кўл сўлим табиати ҳайвонот дунёси учун қулай масканлиги билан ажралиб туради. Унда кўплаб ноёб балиқ турларини учратиш мумкин.

Тилсим

Вилоятдаги барча кўллар балиқчиликка ихтисослаштирилган 17 та масъулияти чекланган жамиятга биркитилган. Улар балиқ етиштириш билан машғул. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари эса биотехник ва мелиоратив тадбирлар ўтказилишини назорат қилиб боришмоқда. Зеро, табиатнинг ажралмас бир бўлаги саналган кўллар наботот дунёсига асло зиён етказмаслиги керак.

Дарвоқе, вилоятдаги Денгизкўл ўзининг ноёб табиати, ҳайвонот ва наботот оламининг ранг-баранглиги, энг муҳими, уларнинг халқаро меъёрлар асосида муҳофаза этилаётгани туфайли 2001 йилда Рамсар конвенциясининг халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ ҳудудлар рўйхатига киритилган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Ўзбекистон давлат табиат музейи – борлиқнинг жонли бир бўлаги". Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ушбу муассасада жамланган табиатнинг ноёб намуналари билан танишган киши шундай фикрга келиши, шубҳасиз.

БОРЛИҚНИНГ ЖОНЛИ БЎЛАГИ

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда мазкур тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар ана шу музей ҳаётида ҳам бутунлай янги босқични бошлаб берди. Гап шундаки, у ўз фаолиятини замонавий, энг муҳими, намойиш учун мослаштирилган кўркам бинода қайта бошлади. Шу аснода мавжуд экспонатлар фан ютуқлари ва табиат ўзгаришлари инобатга олинган ҳолда бутунлай янгиланган ҳамда қўшимча топилмалар билан бойитилгани, айниқса, қувонарлидир.

— Музей экспозицияларига қўйилган ашёлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди музей директори Зубайдулла Каримов. — Чунки бу ерга келган киши ўзини худди жонли табиат қучоғида юргандек ҳис қилиши учун барча шарт-шароит яратилди. Яъни экспонатлар алоҳида мавзулар бўйича даврланиб, замонавий дизайн ва соҳа янгиликларига таянган ҳолда жонлантирилди. Пировардида улар Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишидан бошлаб, унинг ривожланиш жараёнларини, органик дунё эволюцияси, мамлакатимиз табиати, унинг бойликлари ҳақида яхлит тасаввур уйғотади кишида.

Ўзбекистон давлат табиат музейи тизимдаги тўнғич муассасалардан ҳисобланади. Шу боис унинг илмий жамғармаси ниҳоятда бой. Бу ерда соҳа мутахассислари томонидан қарийб бир ярим аср мобайнида йиғилган 380 мингдан ортиқ ботаника, зоология, геологияга оид намуналар сақланади. Ҳашаротларнинг 300 мингдан ортиқ коллекцияси,

Тадқиқот

кемирувчиларнинг 560 дан зиёд намунаси, қушларнинг 140 та тухуми, шунингдек, 4 мингдан ортиқ умуртқали жониворларнинг тулуми шулар жумласидандир. Булар нафақат мамлакатимиз, балки бутун Ўрта Осиё табиати ҳақида маълумот берувчи ноёб манба сифатида ғоятда қимматлидир.

Шу ўринда музейлар ичида биринчи бўлиб бу ерда табиатнинг ландшафт усулидаги, хусусан, чорвачилик, буғдойзор ва пахтазор диорамалари яратилганини қайд этиш лозим. Соҳа мутахассисларининг айтишича, мазкур усулнинг афзал жиҳатлари кўп. Негаки, бунда табиий мажмуалар гуруҳи ҳақида яхлит тарзда маълумот берилади. Бу саёҳатчиларнинг, айниқса, ёшларнинг табиат ҳақида тасаввури кенгайишига хизмат қилади, уни асраб-авайлашга ундайди. Шу боис бу борадаги изланишлар давом эттирилиб, айни пайтда тўқай, арчазор ва баланд тоғ диорамалари яратилмоқда.

Бугунги кунда музейда 4 та бўлим фаолият кўрсатаётган бўлиб, жумладан, экология ҳамда табиатшунослик бўлимлари доимо одамлар билан гавжум. Сабаби, бу ерда экспонатлар шунчаки қўйилмаган, балки ҳайвонлар тулумлари, дарахт ва ўсимликлар намуналари асл ҳолатида жонлантирилган. Уларга боқиб, юртимизнинг камёб биогуруҳлари ҳаётидан воқиф бўласиз.

Айниқса, экология бўлими экспозициялари ёнидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмайди. Бу ерда йўқолиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик турлари намуналари жой олган бўлиб, улар кишини табиат ҳақида қайғуришга, унинг камёблашиб бораётган неъматларини асраб қолишга чорлайди. Зотан, табиатдаги мувозанатнинг бузилишига ҳам, унинг барқарорлашувига ҳам асосий сабабчи инсониятнинг ўзи эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда...

● Юртимиз табиати ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлиб, ҳозирги кунда ёввойи ўсимликларнинг **4500** га яқин, замбуруғларнинг эса **2000** дан ортиқ тури учрайди. Бироқ **400** таси жиддий муҳофазага муҳтож. Чунки улар камёб, эндем ва реликт турлар тоифасига киритилган. Бу Ўзбекистон флорасининг **10-12** фоизини ташкил этади.

Биласизми?

● 1984 йилда чоп этилган Ўзбекистон "Қизил китоби"га ўсимликларнинг йўқолиб кетиш хавфи остида турган **163** тури киритилганди. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар туфайли баъзи турларни кўпайтиришга эришилганига қарамай, ўсимликларнинг яна **138** турини ушбу китобга киритиш зарур бўлиб қолди. Шундай қилиб, "Қизил китоб" рўйхатидаги ўсимлик турлари сони **301** тага етди.

Заъфарон деганда кўз олдимизга тилларанг хушбўй зиравор келади. Ватани Осиё давлатлари ва Болқон яримороли бўлган ушбу серхосият ўсимлик бундан икки минг йил бурун маданийлаштирилган бўлиб, у нафақат зиравор, балки шифобахш неъмат сифатида ҳам табобатда кенг қўлланилади.

Заъфарон

Бироқ уни етиштириш ва маҳсулот тайёрлаш жуда мураккаб. Ўсимликнинг 1000 та гулидан атиги 22-30 грамм миқдорида маҳсулот йиғилиши бунинг яққол далилидир.

VIII асрда Венеция заъфароннинг савдо бозорига айланади. Ўша замонда бу қимматбаҳо зираворни совға қилиш қатъий ман этилган. Агар уни кимда-ким сохталаштирадиган бўлса, унга ўлим жазоси бериларди.

Солномаларда қайд этилишича, Мидия, Бобил, Форс подшоларининг пойабзаллари заъфарондан олинган тилларанг бўёқ билан жилоланган. Қадимги Хитойда эса ҳоқондан бошқа кишининг заъфарон билан бўялган кийим-кечаклари кийиши ман қилинган.

Заъфарон халқ табобатида бир қатор хасталиклар давоси сифатида қўлланилади. Чунончи, у кўзни равшан қилувчи ва парда тушишига қарши восита сифатида ишлатилади. Шунингдек, у юрак қувватини яхшилайди, зотилжам (пневмония)ни даволашда қўл келади.



Заъфарон ўта хушбўйлиги туфайли кишининг руҳиятини енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам таомларга қўшилади, пишлоқ, сариёғ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади, кўплаб дори-дармонлар таркибига киритилади.

Шифобахш неъматлар

Юртимизда заъфароннинг айрим турларини табиий ҳолда Тошкент ва Фарғона вилоятлари тоғли ҳудудларида учратиш мумкин. У февраль — июль ойларида гуллаб, апрель — августда мева беради.

Заъфарон саноатлашган усулда Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Озарбойжон ва Жанубий Европа мамлакатларида етиштирилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Ўн беш йилдирки, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё таянч бўлимида дайхон деб аталадиган сабзавот етиштириб келинади.

ДАЙХОН – ЧЎЗИНЧОҚ, ШИРИН ТУРП

Бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Музаффар Арамовнинг айтишича, дайхон — сабзавотнинг антиқа тури. Илдиз мевасининг узунлиги 30-35 сантиметр. Турпга ўхшайди. Қишнинг охирги ойлари ё эрта баҳорда экилади. 50-55 кунда пишиб етилади. Меваси серсув, майин. Ўзимизнинг турпдан фарқ қиладиган жиҳати — таъми аччиқ эмас. Фруктоза, пехтин моддаларига бой. Таркибининг 39-43 фоизи қанд моддасидан иборат.

Бўлим жамоаси дайхоннинг уруғини сочиб, шунчаки ундан ҳосил олиш билан чекланмади. Балки унинг маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган "Куз ҳадяси", "Содиқ" навларини яратди ва республикамиз ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритди.

Дайхон нафақат хуштаъмлилиги, балки шифобахшлиги билан ҳам турдош сабзавотлардан ажралиб туради. Қандли диабет хасталигига чалинган ҳамда радиоактив нурланганларга дайхон истеъмол қилиш тавсия этилади. Жигар ва буйрақдаги тошни эритади. Иштаҳани очади ва ошқозоннинг суюқлик ишлаб чиқаришини тезлаштиради. Танада хавфли ўсимта ва шишлар пайдо бўлишининг олдини олади.

Дайхон — серҳосил экин. Гектаридан 600 центнергача ҳосил беради. Уни ҳозир томорқаларда ҳам етиштириш одат бўлмоқда.

Илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё таянч бўлими тадқиқотчилари дунёнинг ноёб экинларини маҳаллийлаштириш ишларини давом эттирмоқдалар.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳайрат

Томчибалиқ ҳамон кўпчилик учун нотаниш тур ҳисобланади. Ҳатто, унинг номини эшитмаганлар борлиги шундан далолатдир.

Антиқа балиқ

Томчибалиқ одатдаги балиқлардан тубдан фарқ қилади. Унинг танасида балиқларга хос бўлган тангачаларни учратмайсиз. Сузгичлари ҳам бошқа турдагилардан фарқланади. Танасининг узунлиги 65 см. гача етади.

Бу балиқнинг антиқалиги шундаки, унда ҳатто мускуллар ҳам йўқ. Шу сабабли, ов ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. У, асосан, оғзига тасодифан кириб қоладиган планктонлар билан озиқланади.

Томчибалиқни ҳамма ҳам кўриш имкониятига эга эмас. Чунки у Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларининг тубида 2800 метр чуқурликда ҳаёт кечиради.

Балиқ танаси ҳаво шарчалари орқали студень ёғи ишлаб чиқаради. Бу унга нафақат сув остидаги босимга бардош бериш, балки ортиқча куч сарфламасдан сузиш имконини ҳам яратади.

Илмий тадқиқотларга қараганда, томчибалиқ наслини давом эттиришга жуда эътиборли. У энг хавфсиз жойларга ин қуриб, насли парваришини вояга етгунча ўз зиммасига олади.

Лазиза СУЛТОНОВА
тайёрлади.

Оқ айиқ рангсиз...ми?

Бир гуруҳ тадқиқотчилар Антарктида музликларида яшовчи оқ айиқларнинг ранги аслида оқ эмас, деган фикрни илгари суришмоқда.

Уларнинг айтишича, бу жониворларнинг жун толалари шиша каби шаффофдир. Гап шундаки, айиқ жунлари ёруғлик таъсирида атрофдаги оппоқ қорлардан аксланиб, оқ рангда товланади. Демак, унинг бундай кўриниши ва "оқ айиқ" номини олишига қорлар сабаб экан.

Митти жониворнинг кашфиёти

Ер ости кучугини чинакам муҳандис, дейиш мумкин. Каламушдан каттароқ бу митти ҳайвоннинг ер остидаги ини жуда чуқур бўлишига қарамай, ҳаво алмашинуви доимо маромида бўлади. Яқинда бир гуруҳ олимлар бунинг сирини топишди.

Аниқланишича, бу жонивор уя кавлаганида чиқиш тешигини иккита қилади. Биринчи туйнук пастда, иккинчиси эса тепарокда очилади. Натижада физик ҳодиса рўй беради. Яъни атмосфера босим кам бўлган пастки тешикдан кириб, босим катта бўлган юқори тешикдан чиқиб кетади. Бу ҳол мунтазам давом этиши натижасида ер остида ҳаво алмашинуви таъминланади.

Ажабо, митти жонивор физиканинг бундай қонуниятини ёки муҳандислик билимини қаердан ўрганган экан?!

Муҳандислик санъати асоси

Табиатдаги барча жонзотлар юксак муҳандислик санъати асосида яратилган, десак, муболаға бўлмайди. Буни илғаш учун эса уларга ақл кўзи билан назар солиш кифоя.

Аслида, инсоният кашфиётларида ҳам табиат неъматлари — ҳайвонлардан андоза олинган. Масалан, қушларнинг кам энергия сарфлаб узоқ масофага учиши ва уларнинг учиш чоғидаги ҳаракатлари олимлар учун самолёт ясашда намуна бўлган.

Ҳозирги кунда ҳам айрим хорижий махсус илмий тадқиқот марказларида ана шундай табиат жонзотларининг хусусиятлари ўрганилиб, замонавий техникалар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Мисол учун, пашша, асалари каби кичик ҳашаротларнинг ҳаракат қонуниятлари асосида кичик ўлчамли кузатув самолётлари яратиш бўйича тажрибалар ўтказилмоқда.

Сарвар ОЧИЛОВ
тўплади.

Об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан башорат қиладиган ўсимликлар ҳам бор экан.

Йиғлоқи ўсимлик

Тропик ўрмонларда ўсадиган монстера ана шундай хусусиятга эга. У маҳаллий аҳолини ёмғир ёғишидан бир кун олдин хабардор қилади. Яъни ўсимлик ҳаво буғ билан тўйинган пайтда ёш тўкиб "йиғлайди". Бу ҳолатни кўргач, одамлар жала бўлишини англайдилар.

Наботот ажойиботлари

Йўлингиз ёруғ бўлсин

Австралиянинг жануби-шарқий ўрмонларида ғаройиб қўзиқоринлар учрайди.

Улар тунда ўзидан шундай ёғду чиқарадики, атроф бир зумда чароғон бўлади. Унинг ёрдамида сайёҳ ва йўловчилар ўрмонда бемалол, қоқилмай-сурилмай, йўл топиб кетаверишади. Қўзиқоринларнинг "чироғи"да, ҳатто мутолаа қилиш ҳам мумкин.

Сайёҳ кактус

Перунинг жазирама саҳроларида кактуснинг кўчиб юрадиган тури учрайди. У бошқа ўсимликлардан фарқли ўлароқ, илдиз тизими ўрнига махсус ўсимта ва ўткир тиканларга эга. Об-ҳаво инжиқликларини писанд қилмайдиган кактус қум бўронлари, қаттиқ шамол эсган тарафга қараб думалаб "саёҳатга" тушади. Қизиғи шундаки, бу тур тупроқдан эмас, балки танаси орқали ҳаводан, унда мавжуд бўлган ҳаётбахш омиллардан озиқланади.

Ява оролида учрайдиган қирол наврўзгулини маҳаллий аҳоли жуда ардоқлайди.

Наврўзгул башорати

Лекин у на доривор, на манзарали ўсимликлар сирасига киради. Гулнинг ғаройиб жиҳати шундаки, у вулқонёнартоғ этагида ўсиб, фақат вулқон отилишидан олдин гуллайди. Бунга гувоҳ бўлган маҳаллий аҳоли дарров хавфсиз жойларга кўчадилар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 77262 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5